ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-279-286

СПОРТ ВОСИТАСИДА ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Амангул Сапарбаевна Юсупбаева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Спорт бир сўз билан айтганда бахслашиш, беллашиш маъноларини англатади. Махсус жисмоний машқлардан ташкил топган ҳаракатлар мажмуи спорт тушунчасининг асосини ташкил қилади. Шу билан бирга спортнинг ижтимоий характери, инсонни шахс сифатида тарбиялашдаги ўрни беқиёсдир. Жамият ривожланиши бевосита жисмоний маданият тушунчасининг ҳам ривожланишига олиб келди. Жисмоний маданиятнинг таркибий қисми бўлган спорт бугунги кунга келиб ўзининг юксак ижтимоий аҳамиятини намоён қилмоқда.

Калит сўзлар. спорт, тарбия, ижтимоий аҳамият, сўровнома, маънавият.

WAYS OF COMPREHENSIVE EDUCATION OF YOUNG PEOPLE IN SPORTS MEDIA

ABSTRACT

Sports in a word means to argue, to compete. A set of movements consisting of special physical exercises is the basis of the concept of sports. At the same time, the social character of sports, its role in educating a person as a person, can not be overestimated. The development of society directly led to the development of both the concept of Physical Culture. Sport, which is a component of Physical Culture, has been demonstrating its high social importance to this day.

Keywords: sport, education, social significance, spirituality.

КИРИШ

Инсоният XXI асрга улкан кашфиётлар ва ютуқлар билан қадам қўйди. Глобаллашув дея аталаётган мазкур даврнинг ютуқлари билан бир пайтда салбий жиҳатлари ҳам инсонлар ҳаётига, айниқса, ёшлар тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда, бир томондан, глобаллашув жараёнининг афзалликларидан оқилона фойдаланиш, иккинчи томондан унинг салбий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-279-286

иллатини бартараф этиш борасидаги пишиқ-пухта ўйланган изчил сиёсат олиб борилмоқда. Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”. Шу боис глобаллашув шароитининг ижобий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда унинг ғоявий-мафкуравий таъсиридан огоҳ бўлиш, айниқса, ёшларимизни бундай хуружлардан асраб-авайлаш ғояси муҳим аҳамият касб этади [1;4;5].

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ мамлакатда спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуннинг амалиётга тадбиқ қилиниб, кейинчалик (2000, 2015) унинг такомиллаштирилиши мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт ривожининг янги уфқларини белгилаб берди. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама тарбияланиши ва баркамол авлодлар бўлиб вояга етишида спортнинг аҳамиятини ошириш, спорт орқали ёшларни турли салбий иллатлар таъсиридан асраш масалаларига Президент И.Каримов алоҳида аҳамият қаратиб бу борадаги асосий вазифаларни белгилаб берди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва спорт сиёсатининг устувор йўналишларида ёш авлодни спортга кенг жалб қилиш орқали уларни ҳам жисмонан ҳам маънан тарбиялаш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби мақсадларга йўналтирилган. Зеро, мазкур йўналишлар фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан ҳалос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанига меҳр-муҳаббат ва ўз мамлакати учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш белгилаб қўйилган. Ҳозирги глобаллашув шароитида ёшларни турли салбий иллатлар таъсиридан асраш, бунда спортдан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш ва ундан самарали фойдаланиш имкониятининг юқорилиги муаллифни мазкур мавзу юзасидан кузатишлар ўтказиш, унинг илмий-услубий жиҳатларини ўрганишга ундади.

Спортнинг ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш хусусияти тўғрисида гап кетар экан, у ижтмоий ходиса сифатида ҳам фан сифатида ҳам жамиятда,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-279-286

инсонлар ҳаётида катта аҳамиятга эгалигини айтиб ўтиш лозим. Спорт назариясидан маълум бўлишича спортнинг мусобақа вазифаси, соғломлаштириш вазифаси, ғоявийлик вазифаси, эстетик вазифаси, ахлоқий-тарбиявий вазифаси, ижтимоий-сиёсий вазифаси, байналминалчилик вазифалари борки, [1., б.16] улар бир-бири билан уйғунлашиб кетади ва натижада спорт тушунчасининг нақадар кенг маъноли эканлигини кўрсатиб беради. Шунингдек, айрим мутахассисларнинг таъкидлашича [4., б.127-128, 5., б.43-44, 6., б.231-233], спорт воситасида ватанпарварлик, инсонпарварлик тарбиясини ёш авлодга сингдириш йўллари ва имкониятлари мавжуд.

Бу хусусида фикр юритар эканмиз дунё ва Ўзбекистон миқёсида мавзуга доир изланишлар олиб борилганлигига алоҳида аҳамият қаратдик. Мазкур масала юзасидан жисмоний маданият ва спорт мутахассислари, психологлар, социологлар ва файласуфлар тадқиқотлар олиб борганлар. В.Д.Паначаев, Н.И.Пономарёв, Л.П.Матвеев, Л.И.Лубышева каби чет эл олимлари ишларида спортнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти ёритилган.

Ўзбекистонда ҳам спортнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз олимларидан Ш.Х.Хонкелдиев, А.Абдуллаев, Й.М.Машарипов, Р.С.Саламов, Ж.Э.Эшназаров, Х.Т.Рафиев, Р.А.Абдурасулов кабилар спортнинг серқирра ижтимоий ходиса сифатида инсон тарбиясидаги аҳамияти юқори эканлигини эътироф этишади. Айниқса, сўнгги йилларда Республикада соҳага доир турли даражадаги анжуманларда “спорт ва ёшлар тарбияси”, “спорт ва шахс”, “спорт ва соғлом авлод”, “спорт ва маънавият” каби спортнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини ўрганишга қаратилган долзарб масалалар ёритилмоқда (Б.З.Исканов, Б.Б.Инагамов, А.А.Толаметов, А.М.Жўраев, Р.Н.Назаров, Т.Д.Байтураев, Ш.Ш.Исроилов ва бошқалар). Адабиётлар таҳлили ва кузатишлар спорт воситасида ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш имкониятлари юқори эканлигини кўрсатади.

Изланишлар олиб бориш жараёнида Самарқанд вилоятининг айрим туманларида (Иштихон, Ургут, Пайариқ, Оқдарё, Қўшработ) мавзуга доир сўровномалар ташкил қилинди. Сўровномаларда аҳолининг турли ёш ва турли касб эгаларидан 100 нафари иштирок этишди. Ўтказилган сўровнама натижалари мамлакатимизда спорт тобора ривожланаётганлиги, унинг ижтимоий аҳамияти, ёшлар тарбиясидаги ўрни юқорилаб бораётганлигини кўрсатди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-279-286

“Жамиятда спортнинг ўрни ва аҳамияти қай даражада деб ўйлайсиз?” саволига иштирокчиларнинг 85%и “юқори даражада”, 15%и “ўртача” деб жавоб берганлар. “Сиз, салбий иллатлар (ичиш, чекиш, наркомания, диний экстремизм ва терроризм кабилар) таъсиридан ёшларни асрашда спортнинг ўрни юқори деб ҳисоблайсизми?” саволига иштирокчиларнинг 100%и “ҳа, юқори даражада” деб жавоб беришган. Саволга қўшимча сифатида иштирокчиларнинг 80%и “спорт билан шуғулланган болаларда бўш вақт бўлмайди, шу сабабли улар турли салбий иллатларга берилмайди” мазмунидаги фикрларни билдирганлар.

Спорт назарияси ва амалиёти фани ютуқлари спорт билан шуғулланган ва шуғулланмаганлар ўртасида нафақат жисмонан, балки ақлан, руҳан ва маънан тафовутлар бўлишини кўрсатади. Ўтказилган сўровнома натижаларининг таҳлили ҳам айнан юқоридаги фикрларни тўлақонли тасдиқлади. “Сизнингча, спорт билан шуғулланган болалар бошқалардан нимаси билан фарқ қилади?” саволига иштирокчиларнинг 10%и “мустақил фикри шаклланади”, 12%и “мақсадга интилиш, қатъийлик шаклланади”, 63%и “ҳар томонлама тарбияланади” ва 15%и “соғлом, бақувват бўлади” дея жавоб беришган. Дарҳақиқат, спорт билан шуғулланган ёшлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки, спорт ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш, улар онгида соғлом турмуш тарзига амал қилиш ғояларини шакллантириш, уларнинг руҳий ва жисмоний бардамлигини мақсадга мувофиқ тарбиялашга катта ҳисса қўшади. Зеро, замонавий спорт машғулотларининг асосий мақсади ва вазифаларидан бири сифатида шуғулланувчининг ҳар томонлама тарбияланиши эътироф этилиб, спорт асосида ўзлигини англаш ва миллий уйғониш, мафкуравий ҳиссиётни ривожлантириш ва шу асосда инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳини кучайтириш вазифаларини амалга ошириш назарда тутилади [3;4].

НАТИЖАЛАР

Сўровнома иштирокчилари ёшларни спортга кенг жалб қилиш юзасидан ўзларининг турли таклиф ва тавсияларини билдиришган. Иштирокчиларнинг аксарияти ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва уларни спорт воситасида ҳар томонлама тарбиялашда оила (асосан, ота-она), мураббий ва таълим муассасаси ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш лозимлигини айтиб ўтишган. Ота-оналарнинг шахсий намуна кўрсатиши, таниқли ва маҳоратли спортчиларга нисбатан фарзандларида ҳавас уйғотиши катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Шунингдек, айрим иштирокчилар (68%) спорт воситасида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-279-286

ёшларни ҳар томонлама тарбиялашда мураббийларга алоҳида вазифалар юклатилиши лозимлигини таъкидлашган. Бу ўз навбатида спорт воситасида ёшларни турли салбий иллатлар таъсиридан асраш ва уларни ҳам жисмонан ҳам маънан тарбиялашнинг такрорланмас ва ўзига хос усули эканлигини эътироф этишган.

Спорт билан шуғулланган, мунтазам машғулотлар билан банд бўлган ёшларнинг турли салбий иллатлар таъсирига тушиб қолиш ҳоллари кам кузатилади. Чунки спорт машғулотлари маълум тартиб-қоидалар ва меъзонлар асосида ташкил қилинадики, натижада шуғулланувчилар табиий равишда рационал кун тартиби доирасида бўладилар. Юқоридаги фикрлар Чирчиқ ДПИда тахсил олаётган турли даражадаги 20 нафар спортчи-талабалар кун тартибини ўрганиш натижасида олинган хулосалар билан айнан мос келади. Биз спортчиларнинг кун тартибини ўрганиш натижасида уларнинг бўш вақтлари кам бўлиши, бўш вақтларида асосан маъданий хордиқ чиқаришларини (дам олиш, китоб ўқиш ва ҳ.к) аниқладик. Ваҳолангик, сўровнома натижалари таҳлили ва кузатишлар салбий иллатларнинг бош сабаби ёшларнинг бўш вақтдан унумли фойдаланмаслиги натижасида юзага келишини кўрсатган.

МУҲОКАМА

Мураббийлар фаолияти ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилди. Мураббийларнинг ўз шогирдлари кун тартиби, яшаш шароити, ўқиш ва оиладаги фаолияти билан қизиқиши ёшлар тарбиясида, уларнинг спортда ҳам ҳаётда ҳам юксак натижаларни қўлга киритишида муҳим ўрин тутади. Муаллиф иш фаолияти натижасидан биладики, Республикамизнинг турли ҳудудларида ёшларнинг ҳар томонлама тарбия топиши, уларнинг ҳам маънавий ҳам жисмоний тарбияланишида ўзини масъул деб биладиган мураббийлар етарлича. Бундай мураббийлар қаторига А.Толипов, О.Рахимов, А.Абдулахатов, Ж.Ашуров, Я.Абдурамановларни киритиш мумкин. Улар томонидан эришилган ютуқлар фақатгина спорт натижаси билан чегараланиб қолмай, шогирдларининг етук инсонлар бўлиб жамиятимиз равнақига ҳисса қўшаётганлиги билан ҳам белгиланади. Ушбу мураббийлар иш тажрибасини ўрганиш, ўзлаштириш ва оммалаштириш фойдадан ҳоли бўлмайди, албатта.

Оилада ота-онанинг шахсий намунаси фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Оиладаги муҳит, ундаги ҳар-бир ўзига хос жиҳатлар болалар тарбиясига катта таъсир кўрсатади. Оилада турли спорт жиҳозларининг мавжудлиги, ота-оналарнинг ундан мунтазам фойдаланиши ўз

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-279-286

навбатида фарзандларнинг ҳам жисмоний маданиятга меҳр қўйишига замин бўлади [7;9]. Шу сабабли оила ёшларни спортга жалб қилиш, фарзандларни маҳоратли ва ватанпарвар спортчиларга ҳавас руҳида тарбиялашда муҳим омил ҳисобланади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида ёшлар тарбиясида спортнинг ўрни юқори даражада эканлигини яна бир бор айтиб ўтамиз. Спорт воситасида ёшларни ҳар томонлама тарбиялашда ота-оналар ва мураббийлар ниҳоятда масъулиятли бўлишлари лозим. Бунинг учун қуйидаги тавсияларни билдириб ўтамиз:

1. Ота-оналар фарзандларига шахсий намуна кўрсатиши, аввало, уларнинг ўзлари жисмоний машқлар билан шуғулланиши, спортга бўлган муносабатларини ўзгартиришлари лозим.

2. Оилада спортни тарғиб қилиш, спортнинг фойдали жиҳатларини фарзандлар онгига сингдириш ва фарзандлар қалбида маҳоратли спортчиларга ҳавас ҳиссини уйғотиш лозим.

3. Ота-она, мураббий ва таълим муассасаси ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш лозим.

4. Ёшлар билан ишловчи мураббийлар спортнинг тарбиявий жиҳатларига алоҳида аҳамият қаратишлари, шуғулланувчиларнинг ҳар томонлама тарбияланишига эътибор беришлари шарт. Машғулотлар ва мусобақалар мобайнида шуғулланувчиларнинг ахлоқий ва маънавий тарбиясига алоҳида эътибор бериш керак.

5. Мураббийлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига спортнинг фалсафий, маънавий-ахлоқий, эстетик ва тарбиявий асосларини ўрганиш мазмунидаги махсус курсларни жорий қилиш керак.

Мустақил Ўзбекистон тобора ривож топиб, тараққий этиб бормоқда. Бундай ривожланишни дунё ҳамжамияти тан олаётганлиги барчамизни қувонтириши табиий, албатта. Эришилаётган ютуқлар замирида халқимизнинг азал-азалдан шаклланган қадриятлари, маънавий ва ахлоқий юксалиш борасидаги тажрибаси, меҳнатсеварлиги, Ватанни севиши каби ҳислатлар мавжуд. Биз азалий қадриятларимиз, асрлар мобайнида фарзанд тарбияси борасида тўпланган тажрибаларимизни асраб-авайлашимиз, авлоддан авлодга етказишимиз лозим. Шу билан бирга ёшлар тарбиясида бугунги замон талабларига мос ёндашувларни амалга оширишимиз, унинг янгича усулларини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-279-286

амалиётга жорий қилишимиз ўринли бўлар эди. Ёшлар тарбияси ҳар доим дозарб ва муҳим вазифалардан ҳисобланиб келаверади.

REFERENCES

1. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент-2013. 54-55 бетлар.
2. Р.С.Саламов. Спорт машғулотининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент – 2005. 16-бет.
3. Машарипов.Й.М. Спорт психологияси. Самарқанд – 2010. 41-бет.
4. Баркамол авлод тарбиясида жисмоний маданият ва спортнинг ўрни. Республика илми-амалий конференция материаллари тўплами. Самарқанд – 2014 йил. 127-128 бетлар
5. Жисмоний тарбия ва спортнинг янги давр муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Бухоро – 2013. 43-44 бетлар
6. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олишда оила, узлуксиз таълим муассасалари, маҳалла ва хуқуқ-тартибот органларининг ўзаро ҳамкорлиги. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Гулистон – 2014. 231-233 бетлар
7. Амалий фанлар бўйича мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчилар ижодкорлигининг ҳолати ва уни янада такомиллаштириш йўллари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Самарқанд-2016. 183-бет.
8. Абдулахатов Акрам Рўзматович.Спортчилар мусобақа олди фаолиятини тадқиқ этиш зарурати (кураш спорти мисолида).Бухоро давлат университети. Илмий ахбороти. 273-278 бетлар. №4/2020
9. Абдулахатов А. Р ва бошкалар. Ёшларни тарбиялашда спорт, маънавият ва қадриятлардан фойдаланишнинг самарадорлиги. Мактаб ва хаёт журнали. 41-42 бетлар. №2(158)2021 йил.
10. Абдулахатов А.Р. Курашни кадрият сифатида ўрганиш замон талаби. Педагогик махорат журнали. №2 (апрел 2019) Бухоро.
11. Ulugbek Zokirov. Individual Features Of Development Of Information And Communicative Competence In Masters Of Higher Pedagogical Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations. № 3 (3), 486-491. (2021). https://usajournalshub.com/index.php/tajssei/article/view/2423/2314
12. Zokirov Ulugbek Murodjon ogli. Scientific and Theoretical Bases of Didactic Principles of Development of Information – Communicative Competence in Masters of Higher Pedagogical Education of the Republic of Uzbekistan. Annals of the

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-279-286

Romanian Society for Cell Biology. № 25 (4), 2021. 8896-8903. http://annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/3612

13. Зокиров У.М. “Эркин курашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарликларини такомиллаштириш усуллари”. The journal of academic research in educational sciences. № 1 (2), 306-314. (2020).

14. Зокиров У.М. “Совершенствование тренировочного процесса студентов факультета физической культуры специализирующихся в спортивной борьбе” маг. Диссертация ФерГУ 2020 г. 25,26,27,28.

15. Zokirov U.M. "Improvement of the training process of students of the Faculty of Physical Education, specializing in wrestling" mag. Dissertation - FerSU 2020 25, 26, 27, 28.

16. Зокиров У.М., Курбанова П.С. “Олий таълим муассасалари талабаларида соғлом турмуш тарзини ривожлантириш”. The journal of academic research in educational sciences. № 2 (5), 150-155. (2021).

17. Зокиров У.М., Каримов Т.Р. “Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбиялашда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш усуллари”. The Journal Of Academic Research In Educational Sciences. № 2 (2), 583-590. (2021).

18. Хонкелдиев Ш.Х., Закиров У.М., Меликузиев А.А. Эффективность разработанной методики повышения физическои подготовленности юных борцов вольного стиля. Наука сегодня вызовы и решения материалы международной научно-практической конференции.№1(1), 164-168. 2020.

19. Зокиров У.М. “Индивидуализация технико-тактической подготовки борцов курашистов при моделировании соревновательной деятельности”. Мамлакатимиз олий таълим тизимида жисмоний маданият таълимини модернизациялаш стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари 2019. 82-85.

20. Зокиров У., Жўраев Ш. Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний маданият бўйича синфдан ташқари ишларни мониторингини ташкил этиш. The Journal Of Academic Research In Educational Sciences. №1 (3), 1115-1121 (2020).

21. Ханкелдиев Ш., Зокиров У. Оздоровительная направленность занятий физической культурой в сельских общеобразовательных школах в республике узбекистан. Наука сегодня реальность и перспективы. №1 (1), 113-114. 2019.